

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

ХОЛИКОВ АБРОР АЗАМОВИЧ

**ЖИНСИЙ ГОРМОНЛАРНИ ТУРЛИ ЁШДАГИ ҲАЙВОНЛАР
ОРГАНИЗМИГА ФАРМАКОЛОГИК ТАЪСИР ҚОНУНИЯТЛАРИ**

**16.00.04-Ветеринария фармакологияси ва токсикологияси. Ветеринария
санитарияси, экологияси, зоогигиенаси ва ветеринар-санитария экспертизаси**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Ветеринария фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc) по
ветеринарным наукам**

**Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc) on veterinary
sciences**

Холиков Аброр Азамович

Жинсий гормонларни турли ёшдаги ҳайвонлар организмига
фармакологик таъсир қонуниятлари..... 3

Холиков Аброр Азамович

Закономерности фармакологического воздействия половых гормонов на
организм животных разного возраста..... 29

Kholikov Abror Azamovich

Patterns of pharmacological effects of sex hormones on the body of animals of
different ages..... 54

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ 58

List of published works

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

ХОЛИКОВ АБРОР АЗАМОВИЧ

**ЖИНСИЙ ГОРМОНЛАРНИ ТУРЛИ ЁШДАГИ ҲАЙВОНЛАР
ОРГАНИЗМИГА ФАРМАКОЛОГИК ТАЪСИР ҚОНУНИЯТЛАРИ**

**16.00.04-Ветеринария фармакологияси ва токсикологияси. Ветеринария
санитарияси, экологияси, зоогигиенаси ва ветеринар-санитария экспертизаси**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.2. DSc/V29 рақам билан рўйхатга олинган.

Фан доктори (DSc) диссертацияси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.ssuv.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Юнусов Худайназар Бекназарович биология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Салимов Юнус ветеринария фанлари доктори, профессор Ятусевич Иван Антонович ветеринария фанлари доктори, профессор Юлдошева Дилнавоз Ҳасановна тиббиёт фанлари доктори, доцент
Ётақчи ташкилот:	Ветеринария илмий-тадқиқот институти

Диссертация химояси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.06/30.12.2019.V.12.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2025 йил «15» 02 соат «10:00» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел.: (99866) 234-76-86; e-mail: ssuv@edu.uz)

Диссертация билан Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (14335 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел.: (99866) 234-76-86.

Диссертация автореферати 2025 йил «3» 02 куни тарқатилди.

(2025 йил «3» 02 даги № 1 - рақамли реестр баённомаси)



Н.Б.Дилмуродов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, вет.ф.д., профессор

С.Б.Эшбуриев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, вет.ф.д., доцент

К.Н.Норбоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, вет.ф.д., профессор

Кириш (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда дунё бўйича ҳар хил фармакологик таъсирга эга гормонал препаратлар чорвачилик ва ветеринария амалиётига кенг кириб келмоқда. Бу борада, айниқса жинсий гормонал препаратлар муҳим ўрин эгаллайди. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг бепуштлиги, турли хил урғочилик жинсий тизим касалликларини даволаш ва олдини олишда охириги йилларда ветеринария амалиётида турли фармакологик таъсирга эга бўлган жинсий гормонал препаратлар қўлланилмоқда. Кўпгина хорижий тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари шуни кўрсатадики, гормонал дориларни қўлланилиши ҳайвонлар организмда физиологик жараёнларни рағбатлантириши, метаболизмда сезиларли ўзгаришларга олиб келиши, ассимиляция жараёнларини кучайтириши аниқланган. Жумладан, АҚШда ҳар йили 75% га яқин қорамоллар эстрогенлар ёрдамида гўшт учун боқилган, бундан ташқари ушбу гормонлар кўй, парранда, чўчка ва бошқа ҳайвон турларини маҳсулдорлиги ҳамда репродуктив фаолиятини ошириш ва уларнинг куйга келишни синхронлаштиришда ҳам кенг қўлланилган¹.

Дунёдаги қатор илмий тадқиқот марказлари ва олий таълим муассасалари томонидан тақдим этилган адабиёт маълумотларига кўра, жинсий гормонлар фаол моддалар ҳисобланиб организмга турли йўналишларда таъсир қилади. Улар урғочи ҳайвонларда жинсий тизим органларига кичик дозаларда ҳам кучли таъсир кўрсатади ва эркак ҳайвонлар жинсий тизимга юқори дозаларда сезиларли таъсир кўрсатади, қўлланилганда ҳайвонлар функционал ҳолатларида ва бошқа физиологик тизимларда сезиларли ўзгаришлар юз беради. Жинсий гормонларни амалиётда кенг қўлланилиши билан бир қаторда, уларнинг кўпчилигини ҳайвонлар организмга таъсир хусусиятлари ҳақида илмий асосланган маълумотлар етарли эмас. Шу боисдан жинсий гормонал препаратларни таъсир хусусиятларини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар долзарбдир.

Республикамизда чорвачилик ва паррандачилик соҳасининг ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастурни тасдиқлаш тўғрисида”² ги қарорга мувофиқ аҳолини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари бўлган гўшт, сут, тухум, парранда гўшти ва бошқа маҳсулотлар билан ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган устувор вазифалар белгиланган. Шунингдек, чорвачиликда иқтисодий самарадорликка эришиш, ишлаб чиқаришни илм-фан билан интеграциялаштириш борасидаги илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада чорва ҳайвонлари ва

¹ Падучева А.Л. Гормональные препараты в животноводстве.// М., 2019, - С.230.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-120-сон “Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори

паррандаларда маҳсулдорликни ошириш мақсадида қўлланиладиган гормонал препаратлар, хусусан жинсий гормонларни ҳайвон организмга таъсир қонуниятларини аниқлаштиришда ҳайвонларнинг тури, жинси ва ёшига қараб таъсирининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш тақоза этилмоқда. Шу мақсадда Республикамиз ветеринария амалиётида қўлланилаётган жинсий гормонал препаратлардан бири – сурфагонни фармакологик хусусиятларини ўрганиш ва уни амалиётга жорий этиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг «Ветеринария тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон «Ўзбекистон-2030» стратегияси тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2019-йил 10-апрелдаги ПФ-5707-сон «2019-2021-йилларда Республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 13 ноябрдаги ПҚ-4015-сон «Паррандачиликни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги, 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сон «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 14 июндаги ПҚ-5146-сон «Паррандачиликни ривожлантириш ва тармоқ озика базасини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги, 2022 йил 24 январдаги «Паррандачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-100-сон қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қуйилган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиш доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³.

Ҳозирги пайтда турли хил гормонларга, жумладан жинсий гормонларга фармакологик жиҳатдан баҳо бериш муаммосига йўналтирилган илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан Obihiro University of Agriculture and Veterinary Medicine, Kangwon National University (Япония), Indian Agricultural Institute (Ҳиндистон), Seoul National University (Жанубий Корея), University of Veterinary Medicine Hounover, Foundation (Германия), Sanitation and Hungary Institute (Венгрия), Бутунроссия экспериментал ветеринария институти,

³ <https://www.iari.res.in/>; <https://mgavm.ru/>; <https://www.tiho-hannover.de/en/>; <https://www.kangwon.ac.kr/english/index.do>; <https://www.ecdc.europa.eu/en/national-public-health-center-hungary>

К.И.Скрябин номидаги Москва давлат ветеринария медицинаси ва биотехнология академияси, Н.Е.Бауман номидаги Қозон давлат ветеринария академияси (Россия), Қозоғистон ветеринария илмий-тадқиқот институти (Қозоғистон), Ветеринария илмий-тадқиқот институти ва Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетиди (Ўзбекистон) олиб борилмоқда. University College London Medical School (Буюк Британия), National Institute of Health (АҚШ) каби дунёнинг йирик илмий тадқиқот марказлари маълумотларига кўра, турли мамлакатларда чорвачиликда жинсий гормонал препаратлар ҳайвонларнинг семиришини тезлаштириш учун кенг қўлланилган.

Хусусан, АҚШда ҳар йили қорамолларнинг 75% га яқини эстрогенлар ёрдамида боқилган, улар қўй, парранда, чўчка ва бошқа ҳайвон турларини боқишда ҳам кенг қўлланилган. Паррандаларда тухум ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва қорамолларда тери сифатини яхшилаш учун эстрогенлардан фойдаланиш бўйича тажриба маълумотлари (К.И.Скрябин номидаги Москва давлат ветеринария медицинаси ва биотехнология академияси ва Н.Е.Бауман номидаги Қозон давлат ветеринария академияси) (Россия) мавжуд. Сўнгги йилларда жинсий гормонлар чорвачилик амалиётида ҳайвонларнинг наслдорлигини ошириш ва кўйга келишини синхронлаш мақсадида, қоракўлчиликда эса қоракўлча олиш учун ишлатилган.

Бугунги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатларида чорвачилик ва паррандачиликда юқори самарадорликка эришиш, маҳсулот етиштириш ҳажмини ошириш мақсадида ҳар хил гормонал препаратларни қўллаш, уларни ҳайвонлар организмига таъсирини фармакологик жиҳатдан баҳолаш бўйича устувор йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда жинсий гормонларга фармакологик жиҳатдан баҳо бериш, қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг бепуштлиги, урғочилик жинсий тизимнинг турли касалликларини даволаш ва олдини олишда республикамиз олимларидан А.С.Сулаймонов, Қ.Н.Норбоев, Д.А.Ҳамдамова, Ш.Б.Ата-Курбанов, А.А.Камалов, А.А.Холиков ва бошқалар томонидан тадқиқотлар олиб борилган ва илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ҳозирги пайтда дунёдаги қатор илмий тадқиқот марказлари ва олий таълим муассасаларида жинсий гормонларга жинсий тизим касалликларида қўллаш бўйича фармакологик жиҳатдан баҳо бериш, жинсий тизим касалликларида таъсирини ўрганиш бўйича кўплаб олимлар А.П. Преображенский, А.А.Кудрявцев, Л.Г.Прусова, Н.К.Егорова, Г.Зверева, К.В.Негода, С.П.Беляков, Н.И.Полянцов, Ю.Д.Клинский, А.П.Османов, Л.Г.Гармашева, Е.С.Акчурина, J.T.Bradbury, I.M.Sheldon, J.Robson, Z.Vachлар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Шунга қарамасдан, бугунги кунда жинсий гормонларнинг амалиётда кенг қўлланилиши билан бир қаторда, уларнинг фармакологик таъсир хусусиятлари атрофлича ва тўлиқ ўрганилмаган. Жумладан, кўпчилик гормонал хусусиятли препаратларнинг ҳайвонлар организмига фармакологик

таъсир қонуниятлари хақида илмий асосланган маълумотлар етарли эмас ва тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетда бажарилаётган «Ўзбекистон шароитида чорва моллари ва паррандаларнинг юқумсиз, юқумли ва инвазион касалликларини олдини олиш, даволаш ва уларга қарши курашиш тадбирларининг янги усулларини яратиш» мавзуси билан боғлиқликда ва “МЕГА ЛОЙИҲА” асосида олиб борилди.

Тадқиқотнинг мақсади жинсий гормонал препаратларни ҳайвонларнинг турли физиологик ҳолатларида, қўллаш шароитларига боғлиқ ҳолда, ўсаётган ҳайвонлар организмига, ҳайвонлар қонининг айрим морфологик ва биокимёвий кўрсаткичларига фармакологик таъсир хусусиятларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сурфагонни қўллаш шароитларига боғлиқ ҳолда, ҳайвонлар организмига турли йўллар билан юборганда, дозаларни бўлиб-бўлиб (дробний) қўллаганда, қўллаш сони (кратность) ва интервалига қараб фармакологик таъсир хусусиятларини аниқлаш;

сурфагоннинг ҳайвонларнинг турли физиологик ҳолатларида, жумладан инфантил ҳайвонларда таъсирини ва витаминлар препаратларини сурфагоннинг фармакологик фаоллигига таъсирини ўрганиш;

жинсий гормонал препаратлар: сурфагон, прогестерон, эстрадиол дипропионатни лаборатория ҳайвонларининг жинсий аъзоларига таъсирини қиёсий баҳолаш;

сурфагонни ўсаётган ҳайвонлар организмнинг умумий ҳолатига, ўсишига, ички органларнинг ривожланишига, жинсий аъзоларнинг ҳолатига таъсирини аниқлаш;

сурфагонни ҳайвонлар қонининг айрим морфологик ва биокимёвий кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

Тадқиқотнинг объекти жинсий гормонлар препаратлари: сурфагон, прогестерон, эстрадиол дипропионат ҳамда витаминли препаратлар: фолат кислотаси, аскорбин кислота, эргокальциферол, лаборатория ҳайвонлари, паррандалар, қўй ва қўзилар.

Тадқиқотнинг предмети жинсий гормонал препаратлар фармакодинамикаси ва фармакокинетикасининг ўзига хос хусусиятлари, сўйилган ҳайвонлар ва паррандалар ички органларининг сифат кўрсаткичлари, гормонал препаратларни қабул қилиш мумкин бўлган миқдор кўрсаткичларини асосланиши ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда жинсий гормонларнинг таъсирини ўрганиш учун клиник, фармакологик, анатомик, патанатомик, гематологик, зоотехникавий ва математик статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

сурфагон препаратини турли ҳайвонларга ҳар хил дозаларда, турли йўллар ва интервал билан, қўлланишлар сонига қараб фармакологик таъсир қонуниятлари аниқланган;

сурфагонни инфантил (жинсий етилмаган) ҳайвонларга 1 ва 2 мкг/бош дозада қўлланилганда жинсий органларига махсус таъсири илмий асосланган;

сурфагонни лаборатория ҳайвонларига эргокальциферолни 0,1 мл дозада тери остига, аскорбин кислотасини 0,01 г/кг дозада тери остига, фолат кислотасини 0,001 г/кг дозада оғиз орқали биргаликда қўлланилгандаги фармакологик таъсири аниқланган;

сурфагон, прогестерон, эстрадиол дипропионат препаратларининг лаборатория ҳайвонларининг жинсий аъзоларига таъсири қиёсий баҳоланган;

сурфагонни ўсаётган ҳайвонлар организмнинг умумий ҳолатига, ички органларнинг ривожланиши ва жинсий аъзоларнинг ҳолатига ижобий таъсири, товуқларда тухум маҳсулдорлигини 11-14 фоизга, қўзиларнинг тана вазнини 19 фоизга қўпайишини таъминлаши аниқланган;

сурфагон қўлланилган паррандалар гўшти ветеринария санитария экспертизаси текширишларида сифатли гўшт меъёрларига тўлиқ жавоб бериши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

Сурфагоннинг турли ҳайвонлар организмга таъсирини ҳисобга олган ҳолда уни ишлаб чиқариш амалиётида қуйидаги йўналишларда фойдаланишни тавсия этиш мумкин:

ўртача дозаларда ҳайвонлар ўсиш ва ривожланишини фаоллаштириш, қон ферментларининг фаоллигини, оқсиллар ва гемоглобин миқдорини ошириш, ички органлар ривожланиши ва патларнинг ўсишини яхшилашда;

ўртача дозаларда урғочи ҳайвонлар репродуктив тизимининг функцияларини фаоллаштириш ва ҳайвонларнинг пуштдорлигини ошириш, шунингдек, парандачиликда тухум ишлаб чиқаришни кўпайтиришда;

ҳайвонларда сурфагондан узоқ муддат фойдаланиш, шунингдек, асосиз юқори дозаларда, такрорий юбориш бачадон ва тухумдонларнинг дисфункциясига, ҳайвонлар умумий ҳолатининг ёмонлашиши ҳамда ўсиш ва ривожланишнинг сусайишига олиб келиши мумкин;

жинсий гормонал препаратларни паррандачилик соҳасида қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети апробация комиссияси томонидан тадқиқот ишлари ва бирламчи материалларга ижобий баҳолар берилганлиги, олинган рақамли маълумотлар статистик таҳлил қилинганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган нуфузли хорижий илмий журналларда ва Республика даврий-илмий нашрларида чоп этилгани билан исботланган ва тадқиқотлар натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, далолатнома ва маълумотномалар билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сурфагонни махсус тадқиқотлар асосида қўллаш шароитларига боғлиқ ҳолда ҳайвонларга таъсирини, турли йўллар билан юборилганда, дозаларни бўлиб-бўлиб юборганда, препаратни қўлланиш сонига қараб таъсир хусусиятларини атрофлича тўлиқ ўрганилганлиги ва илмий таҳлил қилинганлиги, сурфагонни ҳайвонлар организмнинг турли ҳолатларида, инфантил ҳайвонларда махсус таъсири, сурфагонни фармакологик фаоллигига витаминлар препаратларининг таъсири, сурфагонни ўсаётган ҳайвонлар организмнинг умумий ҳолатига, ўсиш ва ривожланишига, жинсий аъзоларнинг ҳолатига таъсири, ҳайвонлар конининг айрим морфологик ва биокимёвий кўрсаткичларига таъсири илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сурфагон препаратини ўртача дозаларда паррандаларда ўсиш ва ривожланишни фаоллаштириши, қон ферментларининг фаоллигини ошириши, оксиллар, гемоглобин миқдорини ошириши, ички органлар ривожланишини ва патларнинг ўсиши яхшилаши, паррандаларда тухум маҳсулдорлигини кўпайтириши билан изоҳланади. Жинсий гормонал препаратларни паррандачилик соҳасида қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жинсий гормонларни турли ёшдаги ҳайвонлар организмига фармакологик таъсир қонуниятлари бўйича олинган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

«Паррандаларни ривожланиши ва жинсий етилиш даврини тезлаштириш ҳамда пат қопламани ривожланишини оширишда жинсий гормонларни қўллаш бўйича тавсиялар» тасдиқланган ва Самарқанд, Навоий, Қашқадарё вилоятларининг паррандачиликка ихтисослашган хўжаликларига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2024 йил 14 августдаги 02/23-453-сон маълумотномаси). Натижада паррандаларнинг ўсиши ва ривожланиши ҳамда пат қатламнинг яхшиланишига эришилган;

паррандаларда 1 мкг сурфагон+10 мг прогестеронни биргаликда қўллаш усули ишлаб чиқилиб, Самарқанд вилоятининг Самарқанд тумани “Mironqul Agrozoovetservis ilmiy-amaliy markazi”, Навоий вилоятининг Кармана тумани “KARMANA GOLDEN EGGS” паррандачилик фермер хўжаликларига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2024 йил 14 августдаги 02/23-453-сон маълумотномаси). Натижада товуқлар муддатидан 11 кун олдин тухумга кириши, тухум маҳсулдорлигининг 11-14 % га, тухум қўядиган товуқлар сонининг 50-80% га ошишига эришилган;

қорақўл қўзиларининг ўсиши ва ривожланишини яхшилаш мақсадида сурфагон препаратини 10 кунлик интервалда 3 марта 2,5 мкг/бош дозада қўллаш усули ишлаб чиқилиб, Навоий вилоятининг Нурота тумани “Истиклол қорақўл наслчилик МЧЖ”, Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманидаги “Ғузор қорақўлчилик” хўжаликларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги

ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитасининг 2024 йил 14 августдаги 02/23-453-сон маълумотномаси). Бунда кўзилар тана вазнининг 19 фоизга ошишига эришилган. Бир бош кўзи ҳисобига иқтисодий самарадорлик 42000 сўмни, сарфланган 1 сўм учун харажатлар қоплами 4,63 сўмни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур диссертация ишининг тадқиқот натижалари 5 та, жумладан 2 халқаро ва 3 та Республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий мақола чоп этилган, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тавсия этган илмий журналларда 13 та, шундан 10 таси Республика ва 3 таси хорижий журналларда, 3 та республика ва 2 та хорижий конференцияларда ҳамда 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми тузилиши. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, мавзунинг республика фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи боби уч қисмга бўлинган бўлиб, «**Жинсий гормонларни ўрганиш тарихи**» деб номланган биринчи қисмида жинсий гормонларни ўрганиш тарихи ва уларни фармакологик таъсир хусусиятларига оид дунё олимларининг илмий тадқиқот ишлари натижалари келтирилган. «**Жинсий гормонларни ҳайвонлар организмнинг турли физиологик ҳолатларига таъсири**» деб номланган иккинчи қисмида олимлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари таҳлили натижалари келтирилган. «**Гонадотроп хусусиятли гормонлар ва уларнинг ҳайвонларни кўпайтиришда тутган ўрни**» деб номланган учинчи бўлимида хорижлик олимлар томонидан жинсий гормонларнинг вазифалари ва ҳайвонларни кўпайтиришда гонадотроп гормонлардан фойдаланиш бўйича илмий изланишлар баён этилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотларнинг объекти ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот жойи, объекти ва услублари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Илмий тадқиқот ишлари дастлаб 2003 йил бошланиб, 2024 йилда Самарқанд давлат ветеринария медицинаси,

чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг вивариясида “Мегалойиха” асосида бажарилиб яқунланган.

Тажрибаларда оқ сичқонлар, қуёнлар, каламушлар, товуқлар ва қорақўл зотиға мансуб қўзилардан фойдаланилди. Лаборатория текширишлари “Самарканд диагностик” хусусий клиник лабораториясида ҳамда Самарканд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг лабораторияларида ўтказилди. Қуёнлар, қўй ва товуқлардан олинган қон кўрсаткичларини (морфологик, биокимёвий) аниқлашда автоматлашган гематологик анализатори BIOBASE BK6190, Mindray MR-96А иммунофермент анализатори ҳамда ярим автоматлашган биокимёвий Mindray BA-88А анализаторлари ёрдамида амалга оширилди.

Татқиқотларни ўтказишда клиник, фармакологик, гистологик, патанатомик, гематологик ва зоотехник усуллардан фойдаланилган. Тажрибаларнинг асосий натижалари санокли маълумотлар математик статистик таҳлил Стъюдент ва Фишер мезонлари ёрдамида Microsoft Excel электрон жадвалида амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Сурфагонни ҳайвонлар организмига қўллаш шароитларига боғлиқ ҳолдаги фармакологик таъсири**» деб номланган учинчи бобида турли йўллар билан юборганда, дозаларни бўлиб-бўлиб (дробний) дозада юборганда, препаратни қўлланиш сонига (кратность), инъекциялар ўртасидаги ҳар хил интервалларда тажрибаларнинг натижалари баён этилган.

Сурфагоннинг турли йўллар билан қўллаш натижаларини солиштирганда (мушак ичига, тери остига, оғиз орқали, интравагинал) шуни таъкидлаш керакки, у мушак ичига ва тери остига киритилганда энг кучли (тухумдонлар билан бачадон вазнининг мос равишда 8,36 ва 8,31 мартага ошиши), кейин оғиз орқали (вазнининг 4,95 баравар кўпайиши) ва ҳатто интравагинал юборганда кучсизроқ (4,29 марта вазн ортиши) таъсир қилганлиги тадқиқотларда аниқланди.

Сурфагонни бўлиб-бўлиб юбориш билан уни ҳайвонларнинг умумий ҳолатига салбий таъсири кучаяди (сусткашлик, кам ҳаракат, иштаҳанинг пасайиши ва жунларнинг ялтирашини йўқолиши), жинсий аъзолар оғирлиги дозани бўлиб-бўлиб юбориш қанча кўп бўлса, шунча оширади: умумий дозани бир марта юборганга қараганда дозалар 5 марта бўлиб юборилганда, у 12,5% ($P<0,04$) ошди, 10 мартада эса 16,5% ($P<0,01$) янада кўпроқ; сурфагон дозаларини бўлиб-бўлиб юбориш оқ сичқонларнинг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. Сурфагоннинг катта дозасини бешга бўлиб юборилганда (ҳар бири 1 мкг/бош) ўсишни 4,08% га, 10 мартада (ҳар бири 0,5мкг/бош) -7,8% га сусайтирди умумий дозада бир марта қўллаш билан солиштирганда.

Сурфагонни ҳайвонларнинг (қуёнлар) жинсий тизимиға таъсир даражаси нафақат унинг дозасига, балки препаратни қўллаш сонига ҳам боғлиқ. Бунда урғочи ҳайвонлар сурфагонни бир нечта инъекцияларида уни эркак ҳайвонларга қараганда тезроқ ва кучлироқ қабул қилишди.

Сурфагоннинг ўзига хос таъсирининг самарадорлигини ошириш учун инъекциялар ўртасидаги интервалларнинг давомийлиги жуда муҳим, бу эса ўз навбатида препаратнинг дозасига боғлиқ. 0,5мкг/бош дозада сурфагоннинг ўзига хос таъсири 2 ва 4 кунлик интервалда, сўнгра 6 кунлик интервалдан кейин (ҳар икки кунлик интервалда қўлланганда олинган натижалар билан солиштирганда) кучли намоён бўлади.

Инъекциялар орасидаги интервалларни 8, 10 ва 15 кунгача ошириш сурфагоннинг эффектор (жинсий) аъзоларга таъсирини бир кунлик оралик билан солиштирганда сезиларли даражада заифлашишига олиб келди, гарчи унинг ҳайвонларнинг ўсиши ва ривожланишига фойдали таъсири кучайса ҳам.

Сурфагон 1мкг/бош дозада юборилганда у кучлироқ таъсир қилди, агар интерваллар 4 ва 6 кун, 8 ва 10 кун бўлса ҳам таъсири қолди; препаратни 15 кунлик оралик билан қўллаш заифроқ ўзига хос таъсир кўрсатди, лекин айти пайтда ҳайвонларнинг ўсишига салбий таъсири камайди.

Диссертациянинг «Сурфагонни ҳайвонлар организмнинг турли физиологик ҳолатларида фармакологик таъсири» деб номланган тўртинчи бобида препаратни инфантил ҳайвонларда махсус таъсири, витамин препаратларини сурфагоннинг фармакологик фаоллигига таъсири, сурфагон, прогестерон ва эстрадиол дипропионатларни жинсий аъзоларига ўзига хос таъсирини қиёсий баҳолаш бўйича натижалар келтирилган.

Таърибаларда инфантил ҳайвонларда сурфагон эрта тез куюкишни келтириб чиқарди ва жинсий аъзоларнинг оғирлигини сезиларли даражада оширди, шунингдек бачадондаги қон айланишини сезиларли даражада ўзгартирди. Инфантил каламушларида бир марта қўлланиладиган сурфагоннинг кичик дозалари таъсирида тухумдонлар сезиларли даражада ўзгармайди ва кичик дозаларни кўп марта қўллаганда, шунингдек ўрта ва катта дозалар (бир марта) қўллаганда уларда қон айланиши фаоллашди ва уларнинг ҳажми сезиларли даражада ошди.

Витамин препаратлари сурфагоннинг таъсирини ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга, чунки улар урғочи жинсий аъзоларининг гормонларга сезиларлигини оширди. Витамин препаратлари фонида сурфагоннинг фармакологик таъсири сезиларли даражада кучайди: эргокальциферол таъсири фонида 2,5 баробар, фолий кислотаси аскорбин кислотаси билан 1,8 баробар, фолий кислотаси билан 1,6 баробар ва аскорбин кислотаси билан 1,2 баробар.

Сурфагон, эстрадиол дипропионат ва прогестерон (тенг дозаларда) таъсирини қиёсий ўрганиш шуни кўрсатдики, бачадон ва тухумдонлар оғирлигини тез оширишида максимал натижа прогестерон таъсирида, эстрадиол дипропионатдан биров кечроқ, кейин сурфагондан таъсирида бўлди, лекин энг катта вазн ортиши сурфагонни қўллаш натижасида содир бўлди, яъни ЭДПнинг таъсирига нисбатан - 4,91% га ва прогестеронга нисбатан - 21,14%га (1-жадвал).

**Сурфагон, эстрадиол дипропионат (ЭДП) ва прогестерон таъсири
остида тухумдонлар билан бачадон(мг) вазнининг ўзгариши**

Гуруҳ	Препаратлар	Препаратлар дрзаси, мл	Хайвонлар сони	Тажриба вақти (соатларда)				
				24	48	72	96	120
1	сурфагон	0,2	25	62,5	94,2	132,3	162,4	153,5
2	ЭДП	0,2	25	90,3	118,0	146,4	145,0	140,2
3	прогестерон	0,2	25	93,8	126,0	121,5	115,8	114,2
4	назорат		25	18,5	18,7	18,6	18,7	18,6

Ушбу натижаларга асосланиб айтишимиз мумкинки, эстерифицирланган дорилар, шу жумладан сурфагон секин сўрилади, секин нейтралланади (ёки чиқарилади), кучлироқ ва организмга узоқ муддатли таъсир кўрсатади.

Диссертациянинг «**Сурфагоннинг ўсаётган хайвонлар организмга таъсири**» деб номланган бешинчи бобида сурфагонни ўстириш ёшидаги жўжалар ва қорақўл кўзилари организмга таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилган тажриба натижалари келтирилган.

Ушбу бобда ўстириш ёшидаги жўжаларларда ўтказилган тажрибалар 2 та босқичга бўлиниб натижалари келтирилган. Тажрибаларни 1-чи босқичида сурфагонни турли дозалари ва интервалларида 13 ҳафталик ўстириш ёшидаги жўжалар умумий ҳолатига, ўсишига, ички органларнинг ривожланишига, жинсий аъзоларига, пат қопламининг ўсиши ва ривожланишига таъсири натижалари ва гўштини ветеринария санитария экспертизаси натижалари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Сурфагон ўстириш ёшидаги жўжаларнинг умумий ҳолатига, хулқ-атвориغا, иштаҳасига, ёғлилигига, тухум ишлаб чиқаришга, ўсиши ва ривожланишига, шунингдек уларнинг ички органларининг (шу жумладан жинсий аъзоларнинг) ривожланишига фаол таъсир кўрсатадиган моддадир ва бундан ташқари сурфагондан фойдаланиш суяк тизимига, пат қоплами ўсиш ва ривожланишга таъсир қилди. Ушбу кўрсаткичларнинг барчаси препаратнинг дозаси ва қабул қилиш вақти узунлигига қараб турлича намоён бўлди.

Кичик дозаларда сурфагон (0,5 мкг/бошдан паст) ўстириш ёшидаги жўжаларнинг умумий хатти-ҳаракатларида сезиларли ўзгаришларга олиб келмайди. Кичик дозаларни такрорий юбориш ва ўрта дозаларни бир марта юбориш (1 мкг/бош ва ундан юқори) ҳаракатчанликни оширди, ташқи таъсуротларга сезгирликни фаоллаштирди, товукларнинг умумий ҳолатини, иштаҳасини ва ёғликни яхшилади. Ўрта дозаларни такрорий инъекция

қилиш билан баъзида бироз безовталаниш, жинсий рефлексларнинг фаоллашиши кузатилди, ammo бу ҳодиса биринчи 5-10 кун ичида юқори дозаларда (10 мкг/бош) ўсаётган ўстириш ёшидаги жўжаларнинг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир қилди, ўстириш ёшидаги жўжалар жуда ҳаракатчан, безовталанишди, уларнинг жинсий рефлекслари ва ташқи таъсуротларга сезгирлиги кескин ошди, умумий кучсизланиш ривожланди, парранда ўсиши ва ривожланишидан сезиларли даражада орқада қолди. Патлар қоплами тўзиган ва тарқоқ бўлганлиги аниқланди.

Сурфагонни ўстириш ёшидаги жўжаларнинг ўсишига, вазнининг кўпайишига таъсири сезиларли даражада таъсир қилади. Кичик дозалар(0,5мкг/бош)да сурфагон ўстириш ёшидаги жўжаларнинг ўсиши ва ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатмайди.

Ўрта дозаларда (1мкг/бош ва 2,5 мкг/бош) уларнинг ўсиш суръатларини сезиларли даражада рағбатлантирди (29%-гача). Сурфагоннинг юқори дозалари (ҳар бир парранда учун 5 мкг/бош) паррандаларнинг ўсиши ва ривожланишини сезиларли даражада сусайтирди (40 кун ичида улар ўсишдан (20,45% га ортда қолди).

Сурфагон таъсири остида ички органларнинг ўсиши ва ривожланиши ишлатиладиган препаратнинг дозасига қараб ҳар хил фарқ қилади. Жигар, талоқ, ошқозон ва ичаклар вазни ва ҳажмида энг кўп ўзгаришларга учради, юрак бироз кичикроқ, ўпка эса янада ҳам кичрайган.

Кичик дозалар (0,5 мкг/бош) ички органларнинг ривожланишига таъсир қилмайди.

Ўрта дозалар (1 мкг/бош) эса ошқозон ва ичакнинг ўсиши ва ривожланишига фойдали таъсир кўрсатади, уларнинг вазни ва ҳажмини 15,8-25,45% га оширди ва бошқа ички органларга сезиларли таъсир кўрсатмайди.

Сурфагоннинг юқори дозаларида (5 кг/бош)жигарнинг вазни сезиларли даражада ошди (20,51% га), талоқ ва юракнинг вазни камайди (мос равишда 24,26 ва 20,99% га), ўпканинг вазни 11,34% га кўпайган; ошқозон ва ичакнинг вазни ва ҳажми ҳам камайди (мос равишда 16,8-14,7%).

Тадқиқот натижаларига шуни айтиш мумкинки, сурфагон ўстириш ёшидаги жўжаларнинг жинсий тизимига сезиларли таъсир кўрсатади.

Сурфагон ёш паррандаларнинг жинсий аъзоларининг ўсиши ва ривожланишига беш марта 1 мкг/бош дозада (5 кун оралиғида), шунингдек ҳар бир парранда учун 2,5 мкг/бош дозада қўлланилганда энг яхши таъсир қилади.

Шу билан бирга, у жинсий аъзоларнинг ўсишини (вазни, узунлиги) ва ривожланишини (фолликулларнинг етилишини) сезиларли даражада фаоллаштирди. Бундан ташқари, сурфагон ёш парранданинг физиологик эрта тухум бера бошланишининг минимал ва ўртача вақтини камайтирди. Сурфагон парранда бошига 5 мкг/бош дозада қўлланганда ўсиш ва ривожланишни сусайтирди ва урғочи жинсий аъзоларининг нормал ўсишининг сезиларли бузилишларини (фолликуляр гематомалар, перитонит) келтириб чиқарди.

Сурфагон дозага қараб, ёшларнинг патлар қопламининг оғирлигига, зичлигига, шунингдек, янги патлар учларининг ўсиш тезлигига ҳар хил таъсир қилади. Кичик дозаларда бу кўрсаткичлар сезиларли ўзгаришларга олиб келмайди.

Препаратнинг ўртача дозалари патлар қопламининг зичлигини бироз оширади, янги патлар учларининг ўсиш тезлигини оширади ва патлар қопламининг оғирлигини (5,45-10,70% га) сезиларли даражада оширди. Юқори дозалар (10 мкг/бош) патлар қопламининг оғирлигига салбий таъсир қилади (9,41% пасайиш), шунингдек ўсишни сусайтирди ва янги патлар учлари сонини камайтирди.

Шу бобда тажрибаларни 2-чи босқичида сурфагоннинг турли дозалари ва интервалларида 16 ҳафталик ўстириш ёшидаги жўжаларнинг тухумга кириш муддатига таъсири бўйича ўтказилган тажрибалар натижалари келтирилган. Унда сурфагоннинг турли дозаларини тухум қўйишнинг бошланишига таъсирини ва унинг ёш паррандаларнинг ривожланишига таъсирини ўрганилган. Бундан ташқари, ушбу қатор тажрибаларда сурфагоннинг прогестерон билан биргаликда жўжаларнинг ривожланишига таъсирининг ўзига хос хусусиятлари аниқланди.

Ўстириш ёшидаги жўжаларни биринчи тухумини қўйиш вақтига таъсири бўйича кузатув натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Ўстириш ёшидаги жўжаларни 1-чи тухум туғишида сурфагоннинг таъсири

Гурухлар	Сурфагон дозаси(мкг/бош) ва юборишлар сони	Тухум туғиш вақти (кун)				
		1-жўжа	2-жўжа	3-жўжа	4-жўжа	5-жўжа
1	назорат	144	146	-	-	-
2	1мкг/бош 5-марта	134	135	138	140	-
3	1 мкг сурфагон + 10 мг прогестерон	133	134	136	140	-
4	2,5 2 марта	139	142	144	-	-
5	5 2 марта	140	142	146	-	-
6	10 1 марта	-	-	-	-	-

Назорат гуруҳида биринчи тухум қўйиш тажрибанинг 34-кунида, тажрибанинг 36 кунида эса яна бир жўжа тухум қўйди. Ушбу гуруҳда 40 кун давомида бир парранда учун ўртача вазн ортиши 396,6 г ни ташкил этди.

3-жадвалдаги маълумотлардан шуни кўриш мумкинки, сурфагон 1 мкг/бош дозада беш марта ҳар 5 кун оралиғида (иккинчи гуруҳ) ва 1 мкг/бош сурфагон +10 мг прогестерон билан биргаликда ишлатилганда энг фойдали таъсир кўрсатди (учинчи гуруҳ). Ушбу икки гуруҳда жўжалар тажрибанинг 23-24 кунида навбати билан биринчи тухум қўйди ва тажриба даври охирига келиб ҳар бир гуруҳда яна учта жўжа тухум қўйганлиги аниқланди.

Шундай қилиб, ушбу гуруҳларда (иккинчи ва учинчи) тажриба давомида бешта жўжадан тўрттаси тухум қўйди, бу 80% ни ташкил қилди. Ушбу гуруҳлардаги жўжаларнинг физиологик эрта тухум бериши бошланишининг минимал даври мос равишда 133 ва 134 куни, назорат гуруҳида эса 144 кунни ташкил этди.

Ушбу гуруҳларда синовдан ўтган дорилар дозалари нафақат урғочи жинсий аъзоларининг ривожланишини фаоллаштирди ва тухум қўйишни тезлаштирди, балки параллел равишда жўжаларнинг ўсишини сезиларли даражада фаоллаштирди. Бу ерда паррандаларнинг энг тез ўсиши қайд этилди ва тажриба охирида назорат билан солиштирганда вазн кўпроқ бўлди: Сурфагондан 1 мкг/бош дозада беш марта қўлланилган гуруҳда 91,6 г (23,1%) ва сурфагондан ҳар бир парранда учун 1 мг/бош дозада ва 10 мг прогестерон билан комбинацияланган гуруҳда 118,1 г (29,6%).

Тажриба натижаларига кўра аниқландики, сурфагон жўжаларнинг ўсиши ва ривожланишига беш марта 1 мкг/бош дозада фойдали таъсир кўрсатади (оралиқ 5 кун) ва у прогестерон билан биргаликда ишлатилганда янада самаралироқ (1 мкг/бош сурфагон ва 10 мг прогестерон) бўлди. Препаратни қўллаш жўжаларнинг физиологик эрта етилиши муддатини қисқартиради ва натижада уларнинг тухум маҳсулдорлигини сезиларли даражада оширди. Сурфагоннинг ўртача дозалари таъсири остида парранданинг жинсий етуклиги нафақат тезлашади, балки ёш танасининг ўсиши ҳам фаол равишда рағбатлантирилди, чунки тажриба жўжалар бутун тажриба даврида сезиларли даражада катта вазн ва ўсишга эга бўлди.

Шу бобда товуклар гўштини ветеринария санитария экспертизаси натижалари келтирилган. Товуклар гўштининг органолептик кўрсаткичларини аниқлаш учун етилган гўштни (сўйиш жараёнидан 24 соат ўтгач) текшириб кўрганимизда юзаси қуруқ, мушаклар зич ҳолатда, эластик консистенцияга эга бўлиб, кесмаларда бироз нам, янги парранда гўштига хос ҳидга эга эканлиги аниқланди.

Ёғида бегона ҳидлар йўқлиги, табиий ҳолатда оч сарғиш рангдалиги, эритилган ҳолида тиниқ бўлди. Барча гуруҳлардаги паррандалар гўштини қайнатиб кўриш усулида текширилганда, ўзига хос бўлмаган ҳидлар аниқланмади, шўрваси тиниқ ва хушбўй эди. Тана гўшти ва ички органларни ветеринария санитария экспертизасидан ўтказишда ҳеч қандай патологик ўзгаришлар аниқланмади.

Текширишлар натижасида товуклар гўштининг органолептик кўрсаткичлари бўйича ўртача ҳисобда назорат гуруҳида 8,31 балл, биринчи тажриба гуруҳида 8,44 балл, иккинчи тажриба гуруҳида 8,51 балл, учинчи тажриба гуруҳида 8,54 баллни ташкил қилди, яъни назорат гуруҳи билан таққослаганда биринчи тажриба гуруҳида 1,92 % ни, иккинчичи тажриба гуруҳида 2,40 % ни, учунчи тажриба гуруҳида эса 2,76 фоизга ошганлиги аниқланди.

Тадқиқотларимиз давомида тажрибадаги товуклар гўштини физик-кимёвий текшириш усулларида (ГОСТ 31470-2012) фойдаланилди. Гўштнинг рН кўрсаткичи, аммиакли азот миқдори, оксидланиш–кислотали коэффиценти, бензидинлиреакцияларига текширилди.

Тадқиқотлар натижасида биринчи назорат гуруҳидаги товуклар гўштида рН кўрсаткичи $5,62 \pm 0,4$ ни, биринчичи тажриба гуруҳида $5,68 \pm 0,8$ ни, иккинчи тажриба гуруҳида $5,69 \pm 1,2$ ни, учинчи тажриба гуруҳида эса $5,71 \pm 1,3$ ташкил этди. Назорат гуруҳига нисбатан биринчи тажриба гуруҳида 1,06 % ни, иккинчи тажриба гуруҳида 1,24 % ни, учинчи тажриба гуруҳида 1,60 % га ошганлигини кўрсатди.

Аммиакли азот миқдори биринчи назорат гуруҳидаги товуклар гўштида $1,22 \pm 1,12$ мг ни, биринчи тажриба гуруҳида $1,34 \pm 1,15$ мг ни, иккинчи тажриба гуруҳида $1,39 \pm 1,19$ мг ни, учинчи тажриба гуруҳида эса $1,42 \pm 1,21$ мг ни ташкил этди. Назорат гуруҳига нисбатан биринчи тажриба гуруҳида 12,29 % га, иккинчи тажриба гуруҳида 13,93 % га, учинчи тажриба гуруҳида 16,39 % га юқорилиги аниқланди.

3-жадвал

Товук гўштининг физик-кимёвий кўрсаткичлари (n=20)

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар			
	Назорат	I-тажриба	II-тажриба	III-тажриба
рН	$5,62 \pm 0,4$	$5,68 \pm 0,8$	$5,69 \pm 1,2$	$5,71 \pm 1,3$
Амин-аммиакли азотнинг миқдори (мг/%)	$1,22 \pm 1,12$	$1,37 \pm 1,15$	$1,39 \pm 1,19$	$1,42 \pm 1,21$
Оксидланиш-кислотали коэффиценти (мг/%)	$0,15 \pm 0,8$	$0,17 \pm 0,10$	$0,18 \pm 0,12$	$0,19 \pm 0,18$
Бензидинли реакция	Ижобий	Ижобий	ижобий	ижобий

Оксидланиш–кислотали коэффиценти назорат гуруҳидаги бройлер жўжалар гўштида $0,15 \pm 0,8$ мгни, биринчи тажриба гуруҳида $0,17 \pm 0,10$ мгни, иккинчи тажриба гуруҳида $0,18 \pm 0,12$ мгни, учинчи тажриба гуруҳида эса $0,19 \pm 0,18$ мгни ташкил этди. Назорат гуруҳига нисбатан биринчи тажриба

гуруҳида 13,33 % ни, иккинчи тажриба гуруҳида 20,0 % ни, учинчи тажриба гуруҳида 26,66 % га юқорилиги кўрсатди. Бензидинли реакция барча гуруҳларда ижобий бўлди.

Тажриба ва назорат гуруҳларидаги парранда гўштининг органолептик, биокимёвий ва физик-кимёвий хусусиятлари бир хил бўлиб, бу унинг истеъмолга яроқли эканидан далолат беради. Олинган натижалар паррандаларда биостимулятор сифатида сурфагон препаратини қўллаш истиқболларини тасдиқлайди.

Шу бобда кўзиларнинг умумий ҳолатига, ўсишига сурфагоннинг турли дозаларда таъсирининг натижалари кўрсатилган. Кичик дозаларда (0,5мкг/бош) сурфагон умумий ҳолатга сезиларли таъсир кўрсатмайди ва кўзиларнинг хатти-ҳаракатларини ўзгартирмайди. Препаратнинг ўртача дозаларида (2,5мкг/бош) ҳаракатчанликнинг сезиларли ўсиши, ташқи таъсуротларга умумий реакция ва иштаҳанинг ошиши кузатилди. Қўллаш частотасининг ошиши билан кўзилар биров безовталиқни ривожлантирди ва кўчқорчаларнинг ҳаракатчанлиги биров пасайди.

Сурфагоннинг катта дозалари (ҳар бир ҳайвон учун 5 мкг/бош) урғочи кўзилар ва кўчқорчалар дастлаб (қисқа муддатли) кескин умумий ҳаяжон, ташвиш, овқатланишдан бош тортиш, ҳаракатчанликни ошириш, юрак уриши ва нафас олишнинг биров кўпайишини бошдан кечирдилар, тана ҳарорати қисман кўтарилди.

Препарат киритилгандан 3-6 кун ўтгач, ҳар иккала жинсдаги кўзичоқлар мутлақо қарама-қарши ҳодисаларни ривожлантиради: депрессия, ташқи таъсуротларга реакциянинг заифлашиши, ҳаракатчанлик пасайиши, кўз шиллиқ қаватининг қизариши ва шиллиқ пардалар енгил сарғайиши ва бошқалар. Кичик дозаларда сурфагон тажриба кўзиларнинг вазн ортишига таъсир қилмайди ва уларнинг ўсиш динамикасини ўзгартирмайди. Ўртача дозаларда препарат ўсиш суръатларининг қисқа муддатли пасайишидан сўнг, кўзичоқларнинг ўсиши ва ривожланишини сезиларли даражада тезлаштиради. Иккала жинсдаги кўзиларнинг ўсишига энг қулай таъсир кўрсатадиган сурфагон дозаси 10 кунлик оралиқда уч марта 2,5 мкг/бош ни ташкил қилди (40 кунда вазн ортиши: эркак кўзиларда 19,39% , урғочи кўзиларда - 15,79%).

Сурфагоннинг катта дозаларидан (ҳар бир ҳайвонга 5 мкг/бош) 40 кун ичида кўзиларнинг ўсиш суръати кескин камайди: урғочи кўзиларда 35,93% га, эркак кўзиларда - 28,95% га.

Диссертациянинг **«Сурфагонни ҳайвонлар қонининг айрим морфологик ва биокимёвий кўрсаткичларига таъсири»** деб номланган олтинчи бобида сурфагонни қўйлар, ўстириш ёшидаги жўжалар ва қуёнлар қон кўрсаткичларига таъсири бўйича ўтказилган тажриба натижалари келтирилган.

Ушбу бобни «Сурфагон таъсирида қоракўл қўйлари қонидаги биокимёвий ўзгаришлар» қисмида қоракўл қўйлари қонидаги умумий оқсил, альбумин ва глобулинлар фракциясидаги ўзгаришлар келтирилган.

Сурфагон таъсири остида қўйларда умумий зардоб оксили даражаси сезиларли даражада ошади (мос равишда 2,24-29,80%). Тажриба гуруҳларда, сурфагонни битта инъекциядан кейин учинчи кунга келиб, назорат ва бошланғич ҳолатга нисбатан умумий оксил миқдори препаратнинг дозасига кўра, мос равишда 2,37%, 10,58 ва 21,51% га ошган.

Кейинчалик, сурфагон таъсири остида умумий протеин даражаси ўсишда давом этди. Унинг максимал ўсиши тажрибанинг олтинчи кунида иккинчи гуруҳда 8,24% (2,5 мкг/бош) ва учинчи гуруҳда олтинчи куни 14,81% (доза 10 мкг/бош), тўртинчи гуруҳда эса ўсиш тажрибанинг ўнинчи кунида 29,80% (30 мкг/бош). Шундан сўнг, қўйларнинг қон зардобдаги умумий оксил даражаси аста-секин нормал ҳолатга қайтди.

Сурфагон таъсири остида қон зардобдаги альбумин фракциясининг таркиби препаратнинг дозасига ва ҳайвон турига қараб ўзгаради.

Тажриба гуруҳларда сурфагон киритилгандан кейин учинчи куни албумин фракциялари миқдори қон зардобдаги камайди.

Бундан ташқари, сурфагон дозаси қанчалик паст бўлса, камайиш даражаси шунчалик юқори бўлди: 2,5 мкг/бош дозада (иккинчи гуруҳ) - 30,54% га, 10 мкг/бош (учинчи гуруҳ) дозада - 17,43% ва ҳар бир ҳайвон учун 30 мкг/бош дозада (тўртинчи гуруҳ) - 12,13% га.

Барча тажриба гуруҳларда альбумин фракциясининг бошланғич даражасига қайтиши аста-секин содир бўлди. Дастлабки албумин даражаси тўртинчи гуруҳда препарат киритилгандан кейин 10-кунга келиб, иккинчи ва учинчи гуруҳларда эса 20-кунга келиб тикланди.

Шундан сўнг, альбумин миқдорининг ортиши яна қайд этилди. Тажриба якунига кўра, унинг кўрсаткичлари бошланғич кўрсаткичларга нисбатан ошди: иккинчи гуруҳда 4,02 фоизга, учинчи гуруҳда 9,96 фоизга ва тўртинчи гуруҳда 26,96 фоизга. Бу ўзгаришлар дозага тўғридан-тўғри мутаносиб равишда содир бўлди: препаратнинг дозаси қанчалик юқори бўлса, албумин даражаси шунчалик кўпайди.

Глобулин фракциялари даражаси ҳар хил ўзгарди, шунингдек, сурфагон дозасига, препаратни киритилгандан кейин ўрганиш вақтига ва ҳайвон турига қараб ўзгаради: сурфагон юборилган қўйларда 2,5 ва 10 мкг/бош дозаларда препарат киритилгандан кейинги учинчи кундан бошлаб α -глобулин фракцияси миқдорининг кўрсаткичлар табиий равишда камайди.

